БАҲОРГИ ЮМУШЛАР БОШЛАНИБ КЕТДИ 2-бет
«НУРОНИЙ» ЖАМҒАРМАСИ МЕҲР ВА МУРУВВАТ ЙИЛИДА 3-бет
БИЗГА МАКТУБ ЙЎЛЛАБСИЗ 4-5-бетлар
ШУНДАЙ ИНСОНЛАР БОР БЎЛСИН 6-бет

ЧОРШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 38 (10.091) / 2004 ЙИЛ 25 ФЕВРАЛЬ

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

### ҚИСҚА сатрларда

● **КЕЧАдан** бошлаб Собир Раҳимов туман ҳокимлигида Фридрих Эберт жамғармаси, «ELNAGOT» нодавлат-нотижорат хотин-қизлар ташкилоти ҳамкорликларида «Сайловлар жараёнида хотин-қизлар фаоллигини ошириш» мавзуида икки кунлик семинар иш бошлади.

● **БУГУН** Меҳр ва мурувват йили муносабати билан Ўзбекистон Бадиий академиясининг марказий кўргазмалар залида устоз-шогирдлик анъаналарига бағишлаб профессор Алишер Мирзаевнинг шахсий кўргазмаси ва унинг раҳбарлигидаги «Миниатюра» ва декоратив рангтасвир» ўқув ижодий устахонаси талабалари асарларидан ташкил топган кўргазма очилди.

● **КЕЧА** тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати— Ўзбекистон либерал-демократик партиясининг Тошкент шаҳридаги бошланғич ташкилотларини тузиш бўйича Шайхонтоҳур туманидаги «Илғор», «Жарариқ» маҳаллаларида йиғилиш бўлиб ўтди. БУГУН эса Акмал Икромов туманидаги «Ширин» маҳалласида худди шундай йиғилиш ўтказилди.

● **БУГУН** Ўзбекистон Банклар Ассоциациясида «Тижорат банкларининг қимматбаҳо қоғозлар билан боғлиқ операциялари» мавзуида семинар уюштирилди.

● **«ЭКОЛОГИК** туризмни ривожлантиришда ёшларнинг ўрни» мавзусида «ЭКОСАН» халқаро жамғармаси ҳамда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳамкорликларида анжуман бўлиб ўтди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**



Хонадонимиз безаги, тўйларимиз таровати бўлган пахта гулли ва бошқа турлардаги миллий чинниларимиз ўзига хослиги билан ажралиб туради. «Тошкент чинни заводи» акциядорлик жамияти ходимлари томонидан яратилаётган бундай ажойиб чинни идишлар барчани мафтун этиши табиий.

**СУРАТДА: корхонанинг рассом-дизайнери Ҳафиза Одилова иш устида. Ҳакимжон Солиҳов олган сурат.**

## *Япон телевидениеси Ўзбекистон ҳақида*

***Кейинги даврда кунчиқар мамлакатнинг етакчи телекомпаниялари, жумладан “NHK”, “Fuji TV” ва “ТУ Asahi” дастурлари орқали республикамизнинг бугунги ҳаёти, маданияти ва тарихига доир қатор кўрсатувлар, илмий-оммабоп фильмлар ҳамда телевикториналар мунтазам намойиш этиб келинмоқда.***

Яқинда “TBS” телекомпанияси ижодкорлари томонидан тайёрланган Ўзбекистон ҳақидаги навбатдаги кўрсатув “Sky Perfect” сунъий йўлдош канали орқали эфирга узатилди.

Кўрсатувда алоҳида қайд этилганидек, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг 2002 йилда Японияга қилган ташрифи икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар тарихида муҳим воқеа бўлди. Ташриф чоғида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Япония Бош вазири Жуньитиро Коидзуми ўзаро алоқалар ривожида муҳим аҳамият касб этувчи стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани имзоладилар.

Таниқли япон журналисти Х.Йокой муаллифлик қилган мазкур кўрсатувда тобора ривожланиб бораётган ўзбек-япон алоқаларининг тарихи, бугунги куни ва истиқболлари ҳақида атрофлича сўз юритилади. Жумладан, иккинчи жаҳон уруши даврида тақдир тақозоси билан Ўзбекистонга бориб қолган собиқ япон ҳарбий асирларига ўзбек халқи кўрсатган самимий муносабат ва мамлакатимизда абадий қўним топган япон аскарлари қабрларининг бугунги кунда ҳам асраб-авайланаётгани, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ташаббуси билан бу ерда янги ёдгорлик тошлари ўрнатилгани алоҳида эътироф этилади. Ана шундай инсоний муносабатга япон халқининг самимий миннатдорчилиги изҳор этилади.

Кўрсатувда Ўзбекистон Республикасининг Япониядаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси М.Очилов ҳамда Япония Вазирлар Маҳкамасининг махсус маслаҳатчиси К.Накаяма интервьюлари берилган. Улар ўзбек-япон муносабатларининг изчил ривожланиб бораётганини эътироф этиб, ўзаро ҳамкорликнинг истиқболлари ҳақида ўз фикрларини билдиришган.

Теледастур мобайнида Ўзбекистоннинг бой маданияти, тарихи ва халқимизнинг ўзига хос урф-одатлари тўғрисида ҳам батафсил сўз юритилган. Жумладан, ўзбек оиласида тўй ва маросимлар, меҳмон кутиш билан боғлиқ удумлар, маҳаллалар фаолияти мавзуи ҳам атрофлича ёритиб берилган.

**Беруний АЛИМОВ,**
**“Жаҳон” АА**
**Токио.**

***Тошкентдаги Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида “Давлат ва дин” мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Шунингдек Имом ал Бухорий номидаги республика илмий маърифий маркази ва Фридрих Эберт жамғармаси томонидан нашр этилган “Ислом ва дунёвий маърифий давлат” тўпламининг тақдимоти ўтказилди.***

## ДИН ВА ЁШ АВЛОД

Республикамизда виждон эркинлиги, диний бағрикенгликни таъминлаш борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, бугун мамлакатда турли динга эътиқод қилувчиларнинг ўн беш турдаги диний ташкилотлари, конфессиялари фаолият юритмоқда. Гарчи ушбу ташкилот аъзоларининг миллати ва дини бир-биридан тубдан фарқ қилсада, аммо уларни ягона мақсад — ватанга, Ўзбекистон республикасига садоқат руҳи бирлаштириб туради.

Давра суҳбатида бундай учрашувларнинг ўтказилиши ёшлар тарбияси учун муҳим бўлиб, эътиқод масалаларида холис ва ҳушёр дунё қарашга эга авлоднинг шаклланишида, жамиятимизнинг маънавий тикланишида, давлат ва диннинг вазифаларини ёшлар томонидан аниқ тасаввур қилинишида катта аҳамиятга эга эканлиги эътироф этилди.

Тадбирда Республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги диний ишлар қўмитаси раиси Шоазим Минаваров, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Абдурашид қори Баҳромов ва бошқалар сўзга чиқиб, дин ва давлат хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Шунингдек таниқли исломшунос олимлар ҳамда давлат арбоблари дин ва давлатнинг баркамол авлод тарбиясидаги яқин ҳамкорлиги масалаларида ўз тавсия ва маслаҳатларини беришди.

Тадбир сўнгида Имом ал Бухорий номидаги республика илмий-маърифий маркази ҳамда Фридрих Эберт жамғармаси ҳамкорлигида рус, ўзбек, инглиз, немис, араб ва форс тилларида нашр этилган “Ислом ва дунёвий маърифий давлат” китобининг тақдимоти ҳам ўтказилди.

**Алоуддин ҒАФФОРОВ,**
**“Туркистон-пресс”**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

● **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кеча Оқсаройда Америка Қўшма Штатлари Мудофаа вазири Доналд Рамсфелдни қабул қилди. Суҳбат чоғида икки томонлама алоқалар, минтақа хавфсизлигини мустаҳкамлашга оид масалалар, Афғонистондаги вазият юзасидан фикр алмашилди.**

● **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) С.Рашидова бошчилигидаги бир гуруҳ мутахассислар бир ҳафта мобайнида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида»ги Қонун Қашқадарё вилоятида қандай бажарилаётганлигини ўрганадилар.**

● **Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг кенгайтирилган ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди.**

● **Наманган шаҳри аҳолиси учун телефон алоқаси сифати яхшиланди. Хитой Халқ Республикасининг «HUAWEI» технологик компанияси билан ҳамкорликда умумий қиймати 1 миллиард 9 миллион сўмлик шаҳар телекоммуникация тармоғини 9,5 минг номерга кенгайтириш ишлари амалга оширилди.**

● **Чкалов номидаги «Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат ҳиссадорлик жамияти ўзининг дастлабки экспорт буюртмасини бажарди — «Ил-76 ТД» юк ташувчи ҳаво кемаси «Озарбайжон Карго «Ипак йўли» хусусий авиакомпанияси учун тайёрлаб берилди.**

### Жаҳонда

● **Гаитидаги вазият ҳамон кескинлигича қолмоқда. Бундан икки ҳафта аввал Президент Жан-Бертран Аристиднинг истеъфосини талаб қилиб ғалаён бошлаган мухолифатчилар эгаллаган ҳудудларида ўз ҳокимиятларини ўрнатмоқдалар.**

● **Ҳиндистоннинг Андхра Прадеш штатида жойлашган космик марказидаги ракета ёқилғиси сақланадиган омборда кучли ёнғин содир бўлганлиги сабабли олти киши ҳаётдан кўз юмган, кўплаб кишилар оғир тан жароҳати олган.**

● **Россия Федерацияси бошқарув тизимида иш юритаётган раҳбар аёллар сонига кўра жаҳонда биринчи ўринга чиқди. Кейинги ўринларни эса Филиппин ва АҚШ давлатлари эгаллади.**

● **«Мерседес Бенц» компанияси ўзининг янги муҳташам «Mercedec CLS» модели ҳақидаги расмий маълумотни тарқатди. Ушбу замонавий автомобиль шу йилнинг кузидан бошлаб савдога чиқарилади.**

● **29 февраль куни бўлиб ўтадиган «Оскар» мукофоти ғолибларини тақдирлашга бағишланган маросим олдидан «Оскар»нинг 50 та олтин ҳайкалчаси Голливудга келтирилди.**

*Иқтисодиёт*

## СИФАТИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

***Шаҳримиздаги озиқ-овқат дўконларию тадбиркорлар томонидан ташкил этилган хусусий савдо шохобчаларига кирсангиз, бугунги кунда нон ва нон маҳсулотларининг турлари кўпайганининг, сифатига ҳам эътибор кучайтирилаётганининг гувоҳи бўласиз.***

Бу борада албатта шаҳримизда фаолият кўрсатаётган «Тошкент-нон» ишлаб чиқариш уюшмаси ҳамда ушбу жамоа тасарруфидаги нон тайёрлаш корхоналарининг изланишлари самара бермоқда. Бугунги кунга келиб улар томонидан шаҳримиз аҳолиси дастурхонига кунига 650 тоннадан зиёд нон ва нон маҳсулотлари етказиб берилмоқда. Уларнинг тури эса 200 хилдан ортиқни ташкил этади. Ушбу маҳсулотлар орасида турли беморлар учун тавсия этилаётганлари ҳам анчагина. Бу, албатта, тадбиркорлик билан изланаётган лаборатория ходимларининг, уста новвойларнинг маҳорати ҳамда замонавий ускуна ва линияларнинг шарофатидир.

— Тасарруфимизда 38 та кичик нон тайёрлаш корхоналари мавжуд бўлиб, уларнинг барчасида лаборатория хизмати мавжуд, — дейди уюшма бош технологи Гулчеҳра Ҳошимова. — Ушбу ихтисослашган корхоналаримизда тайёрланаётган нон ва нон маҳсулотлари пойтахтимизнинг 11 та тумани аҳолисига ўз вақтида етказиб берилади. Уюшманинг махсус ихтисослашган 68 та дўконларида ҳамда шартнома асосида жуда кўплаб озиқ-овқат шохобчаларида маҳсулотларнинг барча турлари харидорларга етказиб берилади. Нон ва нон маҳсулотлари сифатини яхшилаш ҳамиша эътиборимизда. Бу борада ҳозирда барча корхоналаримизда ишлатилаётган «Барака-1000» яхшилагичининг алоҳида ўрни бор. Ушбу маҳсулот шаҳримизда фаолият кўрсатаётган «Барака олам» қўшма корхонасида тайёрланмоқда.

**Шарофат БАҲРОМОВА**

# Тошкентим — боғу бўстоним

## ШАҲРИМИЗДА НАВРЎЗ НАФАСИ

***Мана, кўз очиб юмгунча қиш ўз ўрнини фасллар келинчаги, мафтункор ва жилвакор Баҳоройга бўшатмоқда. Ўлкамизда барчамизни соғинтирган баҳор, Наврўз нафаси кезмоқда. Она табиатга жон кириб бутун борлиқ ўзгача қиёфа касб этмоқда.***



Қор тагида баҳорнинг келишини соғинч билан интиқиб кутган кўм-кўк майсалар, бойчечагу бинафшалар аста мудроқ кўзларини очиб фасллар келинчагини қарши олишмоқда. Чор атрофда хушбўй атирлар таратиб, кўзларни қувнатиб ранго-ранг гуллар потирлаб очила бошлади. Юртбошимиз ҳам уйғониш ва яшариш фасли баҳорни таърифлаб жумладан шундай деганлар: «Бу дилбар фаслда борлиқнинг уйғониши, жамики тирик жоннинг ҳаракатга кириши билан одамнинг юрагида ҳам янги-янги орзу ва интилишлар, шодлик ва қувонч, севги ва ҳаётга муҳаббат ҳислари уйғонади. Табиатнинг ўзи бамисоли она каби бағрини очиб, ўз фарзандлари бўлмиш инсонларга меҳр улашади, барчани эзгуликка ва яхшиликка чорлайди».

Сахий баҳор қуёши айниқса меҳнаткаш бободеҳқонлару миришкор боғбонларни баҳорги юмушларга, дала-боғларга чорламоқда. Бугун қай бир томонга нигоҳ ташламанг, каттаю кичикнинг гўзал пойтахтимизни янада яшилликка буркаш, обод ва ораста қилиш, шодиёна байрамимиз Наврўзи оламни муносиб кутиб олиш иштиёқида тараддудни бошлаб юборганларининг гувоҳи бўласиз. Наврўз байрами олдидан маҳаллалар, кўча ва майдонлар, хиёбонларда баҳорги юмушлар, ободончилик, дарахт ва гул кўчатлари ўтқазиш, дарахтларга шакл бериш ишлари қизғин авж олган. Маҳаллаларда айниқса қўни-қўшнилар баҳамжиҳатликда ҳашарлар уюштириши яхши анъанага айланган. «Ҳашар—элга ярашар», деб бежиз айтилмайди. Ҳашар бўлган жойда меҳр-оқибат, тотувлик, орасталик юзага келади. Ҳамшаҳарларимиз айни кунда баҳорий кайфият билан шаҳримизни янада кўркам ва ораста бўлиши учун муносиб ҳисса қўшиш ниятидалар. Жумладан байрам тантаналари ўтадиган Алишер Навоий номидаги Миллий боғда ҳам байрам тараддуди аллақачон бошлаб юборилган. Бу жаннатмакон боғни янада обод ва орасталаш, гулу чечакларга буркаш ишлари авжида.

Наврўз ҳақиқатан эзгулик, меҳр-мурувват, саховат байрамидир. Ҳаммамиз уни соғиндик, чиндан-да орзиқиб кутяпмиз. Шукроналар бўлсинки, Истиқлолимиз шарофати ила қадрли ва суюкли байрамимиз Наврўз янгича мазмун билан бойиди, аҳамияти, қадри янада ортди.

Азиз юртдошим! Эътибор беринг-а, йилларимиз байрамларимиз мазмуни билан оҳангдош, ёндош. Бу йилимизнинг Меҳр ва мурувват йили деб номланганида ҳам катта маъно бор. Ушбу йилимизнинг ҳам, Наврўзимизнинг ҳам асл моҳияти меҳр-оқибат, саховат, бир сўз билан айтганда эзгулик, яхшилик демак. Наврўз айёмининг ўзига хос фазилатлари айниқса қадрли. Яъни, гина-кудуратлар унутилади, халқлар, миллатлар, яқинлар жипслашади, аҳиллик, бирдамлик, меҳр-оқибат қарор топади. Табиийки, ўзаро меҳр-оқибат бор жойда қут-барака бўлади.

XI асрнинг буюк алломаси Маҳмуд Қошғарийнинг ёзишича, ўтмишда яшаган боболаримиз илк баҳор ойини «улуғ ой» ёки «умид ойи» деб атаганлар. Бу даврда Наврўзи оламни нишонлаш, оммавий сайил-томошаларга чиқиш анъанага айланган. Баҳор келиши билан бободеҳқон яхши ният ила табаррук заминга уруғ қадайди, ҳосили мўл бўлиши учун юзига оқ фотиҳа тортади. Чорвадорлар ҳам йил бошидан кейинги ойни «умид ойи» дейишадики, бунда ҳам чуқур мажозий маъно бор. Анъанага кўра Наврўз тантаналаридан кейин келадиган дастлабки ой—ҳамалдир. Ҳамал Баҳорнинг биринчи ойи бўлиб, одатда 21 мартдан 21 апрелгача давом этади.

Дарҳақиқат, ушбу байрамнинг яна энг эътиборли томони Наврўз кунлари тайёрланадиган жонга дармон бўлгувчи тансиқ таомлар—сумалак ва ҳалимдир. Шунингдек, қувват бахш этувчи кўкатли, севимли хуш таомлар руҳиятимизга енгиллик сингдирибгина қолмай, саломатлигимизни ҳам мустаҳкамлайди. Айтишларича, Наврўз шодиёнасида бир қозондан таом еганлар бир-бирига қариндошдек бўлиб қолишар экан. Наврўз қадим-қадимдан халқимиз учун меҳр-мурувват, саховат байрами бўлиб келган. Илоҳим бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолсин. Қалбларимизни ҳамиша эзгулик, яхшилик чулғасин. Бу йилги Наврўзимизнинг қадамлари қутлуғ келсин. Азиз ҳамшаҳарлар, келинг биз ҳам эзгу ниятлар билан баҳамжиҳатликда шаҳримизни яна ҳам кўркам ва гўзал бўлиши учун муносиб ҳисса қўшайлик.

Шу ўринда севимли шоиримиз Абдулла Ориповнинг қуйидаги мисралари беихтиёр ёдга келади:

**Она бағри каби**
**иликдир олам,**
**Ҳарир ҳовур ичра**
**яйрар дала-туз.**
**Қолди пучмоқларда**
**хазон янглиғ ғам,**
**Демак Баҳор келди,**
**Келмоқда Наврўз...**

**Дилором ИКРОМОВА**

***Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «Ташаббус — 2002» кўрик-танловининг шаҳар босқичи ғолиби — «Мирсазава» хусусий ишлаб чиқариш фирмаси тадбиркорлари 2004 йилни иқтисодиётимиз ривожига ўзининг янги турдаги маҳсулотларини ишлаб чиқариб, уларни харидорларга тортиқ этиб ҳисса қўшиш ниятида бошлашди.***

*Тадбиркорлик*

## ТЕЛЕВИЗОР ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ



Жорий йилда тадбиркорларнинг энг юксак ниятларидан бири рақобатбардош телевизор тайёрлашни йўлга қўйиб, уни харидорларга манзур этишдир. Бунинг учун эса, албатта корхонада тўпланган тажрибалар, бозорни ўрганиш, кадрлар малакаси қўл келади.

— Бирон бир ишни бажариш учун уни астойдил хоҳлаш керак, — дейди корхона раҳбари Баҳодир Мирҳабибов. — Ана шунда унинг қийинчилиги, заҳматли меҳнати ҳам унчалик сезилмайди. Энг муҳими киши дилида ҳақиқий истак бўлиши керак. 1996 йилда ташкил этилган хусусий фирмамизда ана шундай хоҳиш-истакларимизни изланишларимиз, ички ва ташқи бозорни тинмай ўрганишимиз, ҳамкорлар билан мустаҳкам алоқа боғлаганимиз боис ҳам уддалаб келаяпмиз.

Асосий фаолиятини электрон ускуналар ишлаб чиқариш билан бошлаган корхона аҳли томонидан бугунги кунда турли товуш кучайтиргичлар, электрон соатлар, ёритиш ускуналари, мураккаб электрон автоматик саноатда ишлайдиган асбоблар, мониторларга қўйиладиган қўшимча телевизион ускуналар, компакт диск ускунаси, «Наво» стереофоник ускунаси, стадионларга мослаштирилган 10-20 киловатли товуш кучайтириш мосламалари ва бошқа маҳсулотлар тайёрламоқда. Энг асосийси эса, улар 80-90 фоиз маҳаллий хом ашё ҳисобидан рақобатбардош ва бирмунча арзон электрон ускуналари тайёрлашни йўлга қўйганлигидир.

Корхонада шу кунга қадар маҳсулот турлари 60 хилдан ортиқни ташкил этади. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг барчаси сертификатланган бўлиб, замонавий технологиялар ёрдамида тайёрланади. Ўтган йиллар мобайнида ёшларни касб-ҳунарларга жалб этиш мақсадида қўшимча ишчи ўринлари яратилиб, ишчи-ходимлар сони 24 нафардан ҳам ортди.

— Ишлаб чиқараётган маҳсулотларимизнинг кафолат муддатлари бор, — дейди Баҳодир Мирҳабибов. — Асосий эътиборни сифатга қаратганимиз боис ҳам харидорларимиз сафи ортиб, буюртмаларимиз кўпайиб бормоқда. Биз хорижникидан асло қолишмайдиган, нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам харидоргир электрон ускуналар яратишни мақсад қилганмиз ва маълум маънода бунга эришаяпмиз. Аввало ички бозорда муносиб ўрнимиз бўлса деймиз. Агарда маҳсулотларимиз четдан келтириладиган ана шундай товарлар билан бемалол рақобатлаша олса, бу бизнинг иқтисодиётимиз ривожига қўшган муҳим ҳиссамиз бўлади. Фақатгина маҳсулот тайёрлаш билан иш битмайди, унинг харидорини ҳам топиш керак бўлади, албатта. Биз эса бунга эришаяпмиз.

Маълумки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш иқтисодий ислоҳотларнинг муҳим устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Чунки ушбу соҳа равнақи ички бозорни рақобатбардош маҳсулотлар билан таъминлашда, аҳолига қўшимча ишчи ўринлари яратишда, сифатли хизмат турларининг юзага келишида муҳим аҳамият касб этади. Шунинг баробарида тадбиркорларимизнинг «Ўзбекистонда тайёрланган» ёрлиқли маҳсулотлари четга экспорт қилинаётганлиги ҳам қувонарлидир. Бу борада «Мирсазава» хусусий фирмаси тадбиркорлари ҳам муваффақият сари интилишмоқда. Негаки, корхона маҳсулотларига қўшни Афғонистон, Тожикистон, Россия давлатларидан ҳам буюртмалар тушмоқда. Бу эса уларни янада изланишга, маҳсулот турларини кўпайтириб, сифати юксаклигини таъминлашга ундамоқда.

**Дилноза ҒИЁСОВА**

**СУРАТДА: корхонанинг малакали йиғувчи усталари Сергей Романов ва Ўткир Умаровлар.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган сурат.**

*Санъат*

## МАРОМИГА ЕТКАЗИБ КУЙЛАШДИ

***Юртимизда ўзбек миллий қўшиқлари баробарида чет эл мусиқалари ҳам севиб тингланади. Ёшларнинг санъатга улкан қизиқиши боис пародия шоулар ҳам кенг тус олган.***

«Зарафшон» концерт залида ўтказилган мусиқий кеча ҳам шулар жумласидандир. «Дубль- 2» деб номланган шоуга Анжелла Захарьян раҳбарлик қилмоқда. Россия шоу юлдузларидан Алла Пугачёва, Валерия, «Непара» гуруҳлари ва бошқаларнинг қўшиқлари ўзбекистонликлар томонидан куйланди. Ўзбек санъаткорларидан эса қизиқчи Обид Асомовга ҳам тақлид қилувчилар бўлди.

Мазкур эстрада шоусида истеъдодли, қобилиятли хуш овоз соҳиблари Г.Фёдорова, Л. Орипова, А.Фёдорова, Я.Шарапов шунингдек, «Андеграунд» шоу-балет раққосалари кечанинг қизиқарли ўтишида ёрдам бердилар.

**Юлдуз УСМОН**

*Фан*

## ОЛИМ ТАДҚИҚОТЛАРИ

***Ўзбекистонда психология фани ривожланиб бормоқда. Бунда Ўзбекистон Миллий университети психология кафедраси олимларининг ҳам ҳиссаси катта бўлмоқда.***

Кафедра мудири профессор Эргаш Ғозиев изланишлари ҳам диққатга сазовордир. Психология фанининг долзарб масалалари унинг тадқиқотлари мундарижасини ташкил этади. Уларнинг аксарияти алоҳида китоблар ҳолида чоп этилди.

«Фикрлаш психологияси», «Муаммоли психология», «Касбий психология», «Менежмент психологияси», «Олий мактаб психологияси» каби тўпламлар шулар жумласидандир.

Бу сингари тадқиқотлар профессорнинг «Психология методологияси» деган йирик монографиясининг юзага келишида омил бўлди. «Умумий психология» икки жилдлигининг босмага тайёрланиши ҳам муҳим воқеа бўлди.

Изланувчан олимнинг қатор илмий мақолалари Ўзбекистон Миллий энциклопедияси ҳамда «Фалсафий луғат» нашрларига киритилди.

**Акбар АЛИЕВ**

*Жамоат ташкилотларида*

# «НУРОНИЙ» ЖАМҒАРМАСИ: САРҲИСОБ ВА РЕЖАЛАР



***Ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш даврида жамоат ташкилотларининг жамиятдаги ролини кучайтириш, шунингдек, кам таъминланганлар, кўмакка муҳтож инсонлар, айниқса, кексалар, ногиронлар ва пенсионерларни ижтимоий муҳофаза қилиш ишларига муҳим аҳамият қаратилмоқда. «Нуроний» жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими ҳам ана шундай самарали фаолият юритаётган жамоат ташкилотлари сирасига киради. Ўтган 2003 йилда ушбу жамғарманинг шаҳар бўлими томонидан қандай ишлар амалга оширилди? Меҳр ва мурувват йилига қандай режалар белгиланди? Шу каби саволларга жавоб олиш мақсадида биз «Нуроний» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши раиси Маҳамаджон ЗУФАРОВ билан мулоқотда бўлдик.***

***— Маҳамаджон Зоирович, айтингчи ўтган йили жамғарма фаолиятида қайси йўналишларга асосий эътибор қаратилди?***

— «Нуроний» жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими 2003 йилда ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Тошкент шаҳар ҳокими ва жамғарма Марказий Кенгашининг қарорлари ҳамда ўз иш режасида белгиланган тадбирларнинг бажарилишини таъминлашга қаратди. Асосий эътибор «Обод маҳалла йили» дастурининг ҳаётга татбиқ этилишига йўналтирилди. Хусусан, 2003 йил давомида бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлардан, ҳомийлар ва жамғарма маблағларидан фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларга моддий ёрдам кўрсатиш, турмуш шароитларини яхшилаш ва байрам тадбирларини ўтказишга жами 1057210 минг сўм сарфланди. Шундан 665000 минг сўми бюджет маблағлари, 389460 минг сўми хомийлар маблағлари ва 2750 минг сўм «Нуроний» жамғармаси шаҳар ва туман бўлимларининг маблағларини ташкил этади. Йил давомида кам таъминланган оилалардаги қариялардан 3175 кишига 46875 минг сўмлик, қаровчиси йўқ ёлғиз қариялардан 1393 кишига 19395 минг сўмлик, ўзгалар парваришига муҳтож бемор қариялардан 576 кишига 8650 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Моддий ёрдамлар пул маблағлари, озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечаклар, дори-дармонлардан иборат бўлди.



«Обод маҳалла йили» дастуридан келиб чиққан ҳолда 2003 йилда ўтказилган байрам тадбирларида ҳам уруш ва меҳнат фахрийларига, якка-ёлғиз қарияларга, ётиб қолганларга катта эътибор берилиб хайрли ишлар амалга оширилди.

Байрам тадбирларини ташкил этишда ва ўтказишда туман ҳокимликлари, «Маҳалла», «Меҳр-шафқат ва саломатлик», «Экосан», «Наврўз», «Олтин мерос» жамғармалари, хотин-қизлар қўмиталари, «Камолот» ЁИҲ, «Ватанпарвар» ташкилоти ва кўпгина ҳомий ташкилотлар ўз ҳиссаларини қўшдилар ва амалий ёрдам бердилар.

Масалан, Ватан ҳимоячилари кунида жамғарманинг шаҳар ва туман бўлимлари, «Ватанпарвар» ташкилоти, «Маҳалла» жамғармаси ва маҳалла фуқаролар йиғинлари билан биргаликда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларни армия сафига тайёрлаш мақсадида жойларда ёшларнинг уруш ва Қуролли Кучлар фахрийлари билан учрашувлари ва давра суҳбатлари ўтказилди. Шунингдек, фахрийларнинг ҳарбий қисмларда ва ҳарбий билим юртларида ёшлар билан учрашувлари ташкил этилди. Учрашувларда фахрийлардан истеъфодаги генерал-лейтенант С.Охунжонов, истеъфодаги полковниклар Ғ.Назруллаев. И.Расуловлар, уруш фахрийлари З.Ҳусанов, М.Салимовалар иштирок этдилар.

Ўтказилган тадбирларда 1300 дан ортиқ фахрийлар иштирок этдилар. Уларга 3900 минг сўмлик совға-саломлар берилди.

Хотин-қизлар куни муносабати билан маҳаллаларда, корхона, ташкилот, муассасаларда, ўқув масканларида байрам тадбирлари ташкил этилиб уларга урушда қатнашган аёл фахрийлар, меҳнат фахрийлари бўлган 8 мингдан ортиқ онахонларимиз таклиф этилиб, иззат-икром кўрсатилиб совға-саломлар берилди.

Наврўз байрами муносабати билан маҳаллаларда, корхона, ташкилот, муассасаларда, ўқув масканларида 850 та байрам тадбирлари ташкил этилди. Уларга кексалар ва онахонлардан 12 минг киши таклиф этилиб, 78000 минг сўмлик совға-саломлар топширилди. Байрам арафасида шаҳарда ўтказилган хайрия ҳашарида фахрийлар ҳам фаол иштирок этдилар. Фахрийлардан 120 киши Самарқандга, 40 киши Бухорога зиёратга бордилар. 800 дан ортиқ киши шаҳримизнинг янги кўринишлари ва тарихий жойлари билан танишдилар. Наврўз байрами куни эса 100 ёшга кирган 35 та умри боқий отахон ва онахонларнинг уйларига бориб, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармаларининг туман бўлимлари ҳамкорлигида уларга 350 минг сўмлик совғалар топширилди.

Мустақиллик байрами муносабати билан туманларда ҳокимликлар ва жамғармалар томонидан ташкил этилган тадбирларга 1840 та фахрий таклиф этилди, уларга 5520 минг сўмлик совға-саломлар улашилди. Жамғарманинг Марказий Кенгаши томонидан 100 кишига 700 минг сўмлик совғалар топширилди. Кам таъминланган, ёрдамга муҳтож қарияларга 15125 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилган. Байрам арафасида маҳаллаларда фахрийлардан 1450 киши «Шаҳидлар хиёбони» мажмуасига, шунингдек, Темурийлар тарихи Давлат музейи, «Ўзбекистон тарихи» музейига олиб борилди, 240 киши учун ҳомийлар ёрдамида Самарқандга зиёрат ташкил этилди.

Бундан ташқари Хотира ва Қадрлаш, Ўқитувчи ва мураббийлар куни, Халқаро ногиронлар куни, Қурбон ва Рамазон ҳайитлари муносабати билан шаҳримизнинг барча туманларида юқоридаги каби кенг миқёсдаги меҳр-мурувват тадбирлари ташкил этилди.

Бир сўз билан айтганда, уруш ва меҳнат фахрийлари, ногиронлар, ўзгалар парваришига муҳтож қарияларни йил давомида ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларга аниқ мақсадли ёрдам кўрсатиш ниятида туманлардаги ижтимоий-таъминот бўлимлари билан бирга катта амалий ишлар қилинди. Вазирлар Маҳкамасининг 212-қарорига асосан ижтимоий-таъминот бўлимлари томонидан якка-ёлғиз қариялардан 1136 киши рўйхатга олинган бўлиб, уларга мунтазам равишда 9 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари ва кир ювиш воситалари берилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 520-қарори асосида ижтимоий ҳимояга муҳтож қариялардан 1346 киши рўйхатга олиниб, уларга йил давомида мақсадли ёрдам кўрсатиб келинди. Шу жумладан, 84 кишига ногиронлар аравачаси, 268 кишига эшитиш воситалари, 457 кишига ортопед-протез анжомлари, 325 кишига кўзойнаклар ажратилди. 173 кишининг тишлари протезланди.

Ўтган йил давомида якка-ёлғиз қарияларнинг, кам таъминланган оилалардаги кексаларнинг турмуш шароитларини яхшилаш борасида ҳам муайян ишлар қилинди. Жумладан, «Нуроний» жамғармаси, унинг туман бўлимлари, «Маҳалла» жамғармаси, туман ижтимоий-таъминот бўлимларининг амалий ёрдамлари билан ҳомийларни жалб этган ҳолда 112 та қариянинг уй-рўзғор анжомлари (телевизор, совутгичлари) созлаб берилди, 264 та қарияларнинг уйлари таъмирдан чиқарилди.

***— Албатта ёшларнинг маънавий онгини ошириш, уларни Ватанга муҳаббат, қарияларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашда фахрийларимизнинг бой ҳаётий тажрибалари қўл келади. «Нуроний» жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими ушбу масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратаётган бўлса керак?***

— Дарҳақиқат, жамғарманинг шаҳар бўлими маънавий-маърифий тадбирларни амалга ошириш борасида «Маҳалла» жамғармаси бўлимлари, «Маънавият ва маърифат» марказлари билан биргаликда долзарб мавзуларда фахрийларнинг ёшлар билан давра суҳбатлари ва учрашувларини мунтазам равишда ташкил қилиб келмоқда.

Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш бўйича шаҳар «Маънавият ва маърифат» маркази билан биргаликда маҳаллаларда 22 та, мактабларда 34 та давра суҳбатлари ташкил этилиб, уларга 160 га яқин уруш ва меҳнат фахрийлари жалб қилинди.

Чақирув ёшидаги ўсмирларни Қуролли Кучлар сафларига ва муқобил хизматга чақириш ишларида жамғарманинг шаҳар ва туман бўлимлари мудофаа ишлари бўлимларининг чақирув комиссиялари ишида фаол иштирок этиб, баҳорги ва кузги чақириқ даврида маҳаллалардаги ёшлар билан 128 та учрашувлар ташкил қилишди. Шунингдек, ҳарбий хизматга жўнаётганларни тантанали кузатув маросимларида уруш ва Қуролли Кучлар фахрийлари иштирок этиб ёшларга хизматларини яхши ўташда омад тиладилар.

Тўй-ҳашамлар ва маросимлар ўтказишни тартибга солиш борасида жамғарманинг шаҳар ва туман бўлимлари маҳалла фуқаролар йиғинлари билан биргаликда тўйларни ва маросимларни исрофгарчиликларга йўл қўймасдан, кам харажат қилиб ўтказиш юзасидан кенг тушунтириш ишларини олиб бордилар. Бу ишларга жойларда эл-юрт ҳурматига сазовор бўлган фахрийлар жалб этилди. Ўтган давр мобайнида шу мақсадда 12 та давра суҳбатлари ўтказилди.

Ўтган даврда жамғарма шаҳар бўлимининг Назорат комиссияси Тошкент шаҳар ҳокимининг пенсия ва нафақаларни тўлашни таъминлаш ҳақидаги қўшма тадбирлар режаси ва жадвалига асосан шаҳардаги алоқа бўлимлари ва омонат кассалари орқали пенсияларнинг маблағлар фондидан ўз вақтида ўтказилишини ҳам назорат қилиб турди. Пенсия тўловлари бўйича узилишлар бўлгани йўқ.

***— Меҳр ва мурувват йилида «Нуроний» жамғармаси фаолияти янада самаралироқ бўлишига шубҳа йўқ. Нега деганда кўпроқ нуроний-кексаларимиз меҳр-оқибат ва мурувватга, бир оғиз ширин сўзга муҳтож бўладилар. Бинобарин, жамғарма шаҳар бўлими жорий йилда қандай ишларни амалга оширишни режалаштирган?***

— Ҳурматли Президентимиз 2004 йилни «Меҳр ва мурувват йили» деб эълон қилдилар. Меҳр ва мурувват йилида амалга ошириладиган ишлар хусусида ҳукумат қарори, шу жумладан Тошкент шаҳар ҳокимининг қарори чиқди.

«Нуроний» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими «Меҳр ва мурувват йили» давлат дастурини бажариш борасида ўз тадбирлар режасини ишлаб чиқди. Бундай режалар жамғарманинг туман бўлимлари томонидан ҳам тайёрланди.

Ҳозирда шаҳримизда истиқомат қилаётган кам таъминланган оилалар, уруш қатнашчилари, якка-ёлғиз қариялар ва ногиронларнинг рўйхатлари қайта текширилиб, уларга амалий ёрдам кўрсатишни ташкил этиш мақсадида ҳомий ташкилотларга бириктириш чоралари кўрилмоқда.

Йил давомида қарияларимизга меҳр ва мурувват кўрсатиш учун байрамларда, ҳайит кунларида уларнинг ҳолларидан хабар олиб совға-саломлар бериш, фахрийларимизни ташкил этиладиган байрам тадбирларига таклиф этиб, иззат-икром кўрсатиш чоралари кўрилмоқда.

Ҳомий ташкилотлар ёрдамида фахрийларимизни Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз шаҳарларига зиёратларга олиб бориш режалаштирилган.

Фахрийларни жамоат ишларига жалб этиш, ёшлар ўртасида тарбиявий ишларни олиб бориш, уларни Ватанга садоқат ҳамда ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида туркум давра суҳбатлари ва учрашувлар ўтказиш мўлжалланмоқда.

***— Мароқли суҳбат учун ташаккур.***

**Дилшод ИСРОИЛОВ суҳбатлашди.**

**СУРАТЛАРДА: «Нуроний» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими фаолиятидан лавҳалар.**

*Ўйлар*

# СУВ АЗИЗ ВА МЎЪТАБАР НЕЪМАТ

***Сув—оби ҳаёт. Шу боис бу бебаҳо неъматни тежаб ишлатиш, беҳудага исроф қилмаслик зарур ва шарт. Афсуслар бўлсинки, ҳаёт манбаи бўлмиш сувга баъзида беэътибор бўламиз. Водопровод жўмракларини бураш эсимиздан чиқади-ю, икки-уч соат ичида тонналаб сув исроф бўлганини ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Аммо, мамлакатимизнинг айрим вилоятларида, қишлоқларида сув етишмовчилигидан азият чекаётган юртдошларимизни кўз олдимизга келтирайлик-да сувга муносабатни ўзгартирайлик. Қуйида эътиборингизга Жиззах вилоятида туғилиб вояга етган Озода РАҲМАТОВАнинг таҳририятимизга йўллаган машқини эълон қилаётирмиз. Қишлоқ қизи бўлгани учунми, Озода қишлоқ одамларининг ерга муносабати ва бу азиз неъматни асраб-авайлаш ҳақидаги ўйларини қоғозга туширган. «Ушбу ўйларим «Тошкент оқшоми» газетасида чоп этилишини истадим,—деб ёзган йўллаган мактубида,—Тошкентда ўқиганман, ишлаганман. Очиғи, шаҳар билан қишлоқ шароити орасида ўзига яраша фарқ бор. Тан олиш керакки, шаҳарликлар сув танқислигини билмаганлари туфайли ҳам тушуниб-тушунмай обиҳаётга нотўғри муносабатда бўлганларини ўзим кўп марта гувоҳи бўлганман. Қишлоқда-чи аксинча сувни тежаб ишлатилади. Йўқса илож йўқ. Шу боис газетхонлар эътиборига қишлоқ аёлининг бир кунлик ҳаётидан лавҳани ҳавола этаётирман. Зора, ушбу мақолам сабаб сувга мунсабат ўзгарса».***

Аёл нозик қўллари билан челакдаги сувда акс этган осмонни кўтариб бормокда. Заифа вужуд қанчалик тез одимласа, қўлларининг қимирлашидан осмон ҳам бир маромда тебраниб ҳаракатга келмокда. Аёл осмон акс этган сув тўла челакни заминга қўйди. Шу лаҳзада ер ва само оралиғидаги масофага битта челак сиғиб қолди холос. Жазирама иссиқда озгина дам олишдан кўра челак кўтариб тезроқ уйига боришни истаётган қишлоқ аёли эри ва болалари даладан қайтгунча чой қайнатиб, овқат тайёрлашни хаёл қиларди. Уйидан анча чақирим масофани 15 литр оғирликдаги сув тўлдирилган икки челак билан босиб ўтди ва ахийри ҳовлисига етди.

У тезда қора қумғонни сувга тўлдириб ўчоққа қўйди. Уйида бор нарсадан емак тайёрлашни ўйлаб, қозонга уннади. Шу орада қумғондаги сув буғлари осмонга ўрлай бошлади.

Аёл чойни дамлаб, қалин чопон билан димлаб қўйди. Шўрва учун қозонга қуйилган сувдан сўнг челакларнинг таги кўриниб қолди. Яна ўша қўл челакларни кўтариб йўлга тушди. Тупрокда қолган излар устидан излар тескари томонга босиб ўтди.

Ҳув ана кўряпсизми? Ўша аёл челак тўла сувни кўтариб қайтмоқда. Унинг орқасида яна бошқа қишлоқ аёллари ҳам борку! Улар ҳам зил-замбилдек челакларда сув кўтариб бормоқда. Кимдир шу пайт уларни саволга тутди.

— Бу ерларда сув шунчалик азизмики, қаёққа қараманг уни ҳаммангиз кўтариб юрасизлар?

Бу содда кишининг ўзи сингари саволига барча сукут билан жавоб беришди ва йўлида давом этишди. Қишлоқ одамларининг ҳар куни чумолидек битта жойдан иккинчи бир жойга тинимсиз ўша Азиз нарсани ташишлари ҳаттоки марсликларни ҳам қизиқтириб қўйди. Улар осмону фалакдан кузатиб, марсликларга хос тадқиқот ўтказишганда шу нарса аён бўлдики, бу Азиз деб ўйланган нарса кўкка бўй чўзган иморатлар, улкан бинолар қад ростлаган жойларнинг кўчаларида тинимсиз оқиб ётар, ўша Азиз нарса билан ҳаттоки машиналар ювиб тозаланар экан. Аммо чорва моллари кўп, далада одамлар тинимсиз ер чопиб экин ўстирадиган жойларда эса ўша Азиз нарсанинг бир томчисини исроф қилишмас, кези келганда катта идишларга солиб асраб қўйишар экан. Тадқиқотдан сўнг марсликлар келишиб, ўзлари ўрганган ҳудудларга ёмғир ёғдиришга қарор қилишибди. Ёмғир ёға бошлади. Бу пайтда эса нимагадир ўша баланд иморатлари бор жойдаги кишилар соябонлар тутишиб, ўзларини ёмғирдан олиб қочишар, қийқириб уй-уйларига тезроқ киришга шошилишарди. Аммо ҳайрон қоларли жиҳати шундаки, ўша экин экиб, ер чопадиган жой кишилари эса тарновлардан оқиб тушаётган ёмғир сувларини тинимсиз катта-катта идишларга тўлдиришдан ҳечам чарчамас эдилар. . .

**Озода РАҲМАТОВА**



Кутубхонада қизғин мутолаа.

# Хатлар — ҳаёт ойнаси



***Ойнинг ўн беш куни қоронғи, ўн беш куни ёруғ бўлади, деганларидек, инсон умри давомида ҳар хил воқеаларни бошидан кечиради. Албатта, шоир айтганидек, «умр дафтарини безашга» арзийдиган кунлар билан бирга, нохуш воқеа-ҳодисаларни ҳам ҳар бир киши бошидан кечирмай иложи йўқ. Сиз азизлардан таҳририятимизга келаётган мактублар юқоридаги фикримизга далил бўла олади. Шу боисдан ҳам «Хатлар — ҳаёт ойнаси» саҳифасида янги «Тўқилмаган ҳикоялар» рукни ташкил этилди. Унда сиз азизларнинг мактубларингиз асосидаги ҳар хил турмуш икир-чикирларию воқеалари, ибратли ҳикоялар бериб борилади. Мактубларингиз ҳамда телефон қўнғироқларингизни муштоқлик билан кутиб қоламиз. Дарвоқе, яна бир карра эслатиб ўтамиз. Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. 133-08-74 телефонига қўнғироқ қилишни унутманг.***

*Хатжилдларни қайчилаган-да*

## ИБРАТ

***Автобус бекатида турсам, ёши 30 лардан ошган истараси иссиқ аёл «Травматология институтига қайси автобус боради?» — деб сўради. Мен унга 30-автобус боришини айтдим.***

Бирдан бу аёлнинг кайфияти ўзгарди. Ногоҳ тилидаги дилига кўчди.

— Ҳаётда ҳар хил одам бўларкан-а, опажон. Ахир ҳозиргина кетган 30-автобус ҳайдовчисидан институтни сўрасам, у ерга бормайди деб жавоб берди. Нима қиларкин тўғрисини айта қолса, ҳеч бўлмаса битта одамнинг ҳожатини чиқара қолса?!

Мен бу аёлга тасалли бердим. Нимагадир 30-автобус келавермади. Кун совуқ, қиш забтига олар эди. Шу баҳона аёл билан яқинроқ танишиб олдим. Исми Раъно. Олмаликдан экан, ёнида 11-12 ёшлар чамаси қизи ҳам бор. Ҳозир мана шу қизини Травматология институтига даволатиш учун олиб кетаётган экан. Она-бола юпунгина кийинган. Оддий, содда, меҳнаткаш аёл эканлиги билиниб турар эди.

— Қизингизнинг оёғи оғрир экан, хўжайинингиз олиб келсалар бўлмасмиди? Жудаям узоқ йўл босиб келибсиз? —дедим. Аёлнинг кўзи ёшланди. Мен унинг юрагидаги нозик торларига тегиб кетганлигимдан афсусландим. Лекин энди кеч эди. Аёл сўзлай бошлади:

— Опажон, беш йил бўлди турмуш ўртоғимнинг вафот этганларига. Тўсатдан келган бу фожеа мени эсанкиратиб қўйди. Хўжайиним билан севишиб турмуш қурган эдик. Баъзан эса хўжайини узоқ муддатли сафари баҳона оиласига, фарзандларига хиёнат қиладиган аёллардан нафратланиб кетаман.

Бу ўткинчи синов дунёсида бугун фақат фарзандлари бахти-саодати учун яшаётган Раъно каби аёлларга тасаннолар айтгим келади. Мушкулинг осон, бахтинг бутун, фарзандларинг баркамол бўлсин Раъно!

**Холида ИСКАНДАРОВА**

*Газетхон миннатдорчилик билдиради*

## РАҲМАТ СИЗГА, ШИФОКОРЛАР

Мен яқинда учинчи фарзандлик бўлдим. Оиламиз қувончига қувонч қўшилди. Жажжигина қизалоғимни бағримга босарканман, дунёда шифокорлар, ширинсўз ҳакимлар борлигидан, уларнинг билими, беминнат эътибори ва ғамхўрликларидан дилдан қувондим. Уччала фарзандимни ҳам туманимизга қарашли 2-сон туғруқхона мажмуининг заҳматкаш ва малакали мутахассислари назорати ва ёрдами билан дунёга келтирганман. Ҳозир катта қизим 10 ёш, ўғлим эса 8 да. Хонадонимизга чексиз шодлик олиб келган қизалоғим Сарвиноз соғлом ва тетик. Мен энг аввало туғруқхона шифокорларига каттадан-катта раҳмат айтаман. Бахтимизга омон бўлинг, азиз шифокорлар.

**Муҳтабар ДИЁРХЎЖАЕВА, Собир Раҳимов тумани.**

*Тўқилмаган ҳикоялар*

## ФЕЪЛИ ТОРНИНГ ТЎЙИДА ҚОР ЁҒАДИ

Маҳалламизда Рихсивой акани танимайдиган инсоннинг ўзи йўқ. Ўта зиқналиги ва феъли торлиги билан ном қозонган бу инсоннинг бировга яхшилик қилганини ҳеч ким эслай олмайди. Мабодо тасодифан бирон кишига нафи тегса кечаси билан ухлай олмаслиги аниқ. Чунки бу ҳимматини барча маҳалладошларига гапириб юради-да. Ҳаромдан ҳазар қилмайди.

Қизиғи, Рихсивой ака қачон тўй қилса, ҳатто жазирама иссиқ бўлса ҳам қор ёки ёмғир ёғади.

Ўтган йилнинг июлида акамиз тўй қилди. Қизини чиқарди. Жазирама иссиқ, осмонда бир парчагина бўлсада булут йўқ. Қоқ пешин маҳали. Дастурхон ноз-неъматларга тўла. Дошқозондаги ош тортилиш арафасида. Бирдан шамол кўтарилди-ю, кичкина булут тўйхона томон яқинлашиб кела бошлади. Буни қарангки, оппоқ булут шу ерга яқинлашганда қора тусга кириб шунақаям саваладики... Борйўғи уч-тўрт дақиқа давом этган ёмғирдан ҳамма ўзини панага урди. Ўртадаги ноз-неъматлар, таомларнинг шалаббо бўлганини айтмай қўя қолайлик.

Эл орасида «Қирмоч еганнинг тўйида қор ёғади», деган нақл қанчалик тўғри ёки нотўғрилигини билмадигу аммо маҳалладагиларнинг айтишича, Рихсивой аканинг феъли сабаб тўйида ёғингарчилик содир бўлганмиш.

**Тўра ИЛҲОМОВ**

## КЎПНИНГ ҲАҚИ ТЕШИБ ЧИҚДИ

Жўра бобо роса умргузаронлик қилган. Айтишларича, катта идораларда раҳбар бўлиб ишлаб оғирнинг остидан, енгилнинг устидан юрган инсон. Пенсияда ҳам роҳатда яшаётган эди.

Кунларнинг бирида бобо ташаббус билан чиқди. «Маҳаллага ҳашар йўли билан гузар қурамиз». Яхши ниятга ҳамма қўшилди. Маҳалладаги саховатпеша инсонлар ёрдамида тахта сотиб олинди. Ҳашар бошланди. Биров теша, биров болта кўтариб одамлар қўлларидан келганича пойдевор кўтарилишига ёрдам беришди.

Аммо... Ҳамма гап ана шу «аммо»да. Қолган ишни Жўра ота ўғиллари билан ўзлари эплашдиям, боплашдиям. Тахта-ёғочлар ҳовлига туширилди. Эски иморатлар бузилиб, уларнинг ўрнини янги, қўшқаватли уйлар эгаллади. Жўра ота маҳалладошларига анча вақтгача, «имкон қадар ҳаммасини ўрнига қўйиб қўяман. Худо хоҳласа замонавий гузарни оиламиз билан қуриб берамиз» деб гапириб ҳам юрди. Орадан ойлар-йиллар ўтди. Гузар қурилиши бошланмади. Тахталар кўпчиликнинг ёдидан кўтарилдими, ҳайтовур бу ҳақдаги гап-сўзлар ҳам тиниб қолди. Кунларнинг бирида фалокат рўй берди. Жўра бобо иморатига ўт кетди. Тонг саҳар газдан чиққан олов бирпасда ўз ишини қилди. Кошонадан фақат куйган деворлар қолди.

Кўпнинг ҳақи тешиб чиқади, деб шунга айтсалар керак-да.

**Садриддин ЗАЙНИДДИНОВ**

## СЎНГГИ ПУШАЙМОН

Бир ойда бир марта чойхонада улфатлар йиғилиб ош устида суҳбатлашамиз. Кўнгилнинг чигили ёзиладида. Бу сафар дўстим Анвар чойхонага нохуш кайфиятда келди. Нимагадир ичига чироқ ёқса ёришмасди. Доим қувноқ юрадиган, бир гапириб, ўн куладиган дўстимнинг хомуш тортиб қолгани каминага ёқмадида, ундан бунинг сабабини сўрадим.

— Нимасини айтасан, — дея сўз бошлади Анвар. — Билasан, таниш-билиш, ошна-оғайни орттирдим. Уларнинг ёрдамида хўжайиннинг кўнглини овлаб, юқори лавозимга ҳам кўтарилиб олдим. Тагимда «Нексия». Борган жойимга бораман, келган жойимга келаман. Хуллас ишлар «беш» эди. Аммо, киши ўзига ортиқча бино қўймасин экан. «Кўза кунда эмас, кунида синади», деганларидек, кичик хатога йўл қўйдиму хўжайиннинг олдида ўсал бўлдим. Хўжайиннинг туғилган куни эди. Унга ўзига яраша совға-салом олиб Чилонзорга шошяпман. Йўлда эгнига чопон ўраб олган истараси иссиқ отахон қўл кўтарди. «Нексия»ни тўхтатиб эшигини очдим. Ҳарна тўрт-беш сўм ишлаб оламанку.

— Болам, ўғлимникига кетяпман. Иложи бўлса Чилонзорга ола кет, — деди қария.

— Ўтиринг.

Кетяпмиз. Чилонзорга яқинлашиб қолганда бодом, майиз харид қилмаганим ёдимга тушиб қолди. Машинани шартта тўхтатдим.

— Тушинг, бобой. Кеч қоляпман. Ҳали бозорга ҳам киришим керак.

Чол роса ялинди. «Оз қолди-ку, болам», деди. Кўнмадим. Бир ярим минг сўм пулини чўнтакка урдиму, қарияни машинамдан тушириб юбордим. Ёмони хўжайинникига борганда бўлди оғайни. Бозордан зарур нарсаларни олиб, совғаларни кўтариб виқор билан «шеф»никига кириб бордим. Ҳали меҳмонлар келмабди. «Ичкари уйда отам неваралар билан гурунглашиб ўтирибдилар. Сиз ҳамсуҳбат бўлиб отамни зериктирмай туринг. Хизмат бўлса чақираман», — деди хўжайин мени ичкари хонага кузатаркан. Хонага кириб не кўз билан кўрайки, неваралари қуршовида ўтирган чол ҳалигина ўзим ярим йўлда ташлаб кетган отахоннинг ўзгинаси эди. На ўтиришимни биламан, на чиқиб кетишимни. Шунақа гаплар оғайни. Буёғи энди нима бўлади? Отаси хўжайинга ғуллаб қўйса нима қиламан, деб бошим қотиб юрибди.

**Анварнинг ҳикоясини оққа кўчирувчи Акбар ЙЎЛДОШЕВ**



*Шахсий фикр*

# ОҒИР ОҚИБАТЛАРИНИ ЎЙЛАЙЛИК

***Ҳар куни ишга, ўқишга йўл олар экансиз автобусларда ёки бекатларда маст, оёғида зўрға турадиган кишиларнинг арзимаган нарсани баҳона қилиб ён-атрофидагиларни асабини бузаётганининг гувоҳи бўласиз. Ёки бўлмаса бунинг акси. Арикда, бекатда, дарахт тагида, хуллас, кўчанинг дуч келган жойида бемалол уйқуни ураётган, уларнинг ўлик ёки тириклигини ажратиш мушкул бўлган вазиятларга дуч келасиз.***

Ўзининг салбий таъсири билан одамзотнинг соғлиғини ҳам, обрўсини ҳам охир-оқибат чилпарчин қилувчи спиртли ичимликлар ҳақида тўхталиб ўтадиган бўлсак, 0,1-0,15 фоиз арoқ ичган кишининг ўзини тутиши ёмонлашиб хулқи бузилади. Агар алкоголь қон таркибида 0,3 фоиз бўлса одам ҳушидан кетади. 0,5 фоиз бўлса нафаси бўғилади, ҳатто у ўлиши мумкин. Алкоголь ичимлигини истеъмол қилувчи кишиларда жигар хасталиги кўп учрайди, у буйрак фаолиятига ёмон таъсир қилади ва оғир оқибатларга олиб келади.

Буни қуйидаги воқеадан кўриш мумкин: олий ўқув юртларининг бирида биринчи курсда ўқиётган Бахтиёр исмли талабани дўсти туғилган кунига таклиф қилади. Зиёфат авжига чиққанда дўстларининг соғлиғига қадаҳ сўзи айтиб спиртли ичимлик истеъмол қилишади. Орадан бир оз фурсат ўтгач Бахтиёрнинг юраги ёмонлашади. Дўстлари «кайф» бўлиб қолди деб, қўшни хонага олиб кириб ётқизиб қўйишади. Меҳмонлар кетгандан сўнг, уй эгаси ва яна бир ўртоғи уйни тозалашиб сўнгра ётиб дам оладилар. Бахтиёр алоҳида хонада ётгани учун уни безовта қилмай, бошқа хонада ётадилар. Эрталаб туришса. . .

Бахтиёрнинг ўлими хусусида суд-тиббиёт экспертизасининг хулосаси қуйидагича: «Бахтиёр организми алкоголь таъсирида заҳарланиши оқибатида буйрак тўқималарида қон йўлининг сиқилиши ва тўсилиб қолиши, буйрак ва буйрак ости тўқималарининг ишдан чиқиши, жигар хасталигининг кучлануви, қон айланишининг бутунлай издан чиқиши, шунингдек, организмнинг юқори даражада зўриқиши натижасида ҳаётдан кўз юмган».

Ана энди бу мудҳиш воқеа Бахтиёрнинг ота-онаси учун қандай кулфат келтирганини, уни атайлаб яхши кунини бирга шод-хуррам ўтказиш учун таклиф қилган дўстлари учун қанчалик қайғу-аламга айланганини бир кўз олдингизга келтиринг.

Ҳар куни телевидение ва радио орқали ичкилик ва унинг салбий оқибатлари ҳақида гапириб ўтишади. Аммо гап гаплигича қолиб кетмаслиги керак. Яъни, ичкилик, алкоголизмга қарши курашишни амалда исботлаш пайти етди.

Балки шундагина аёллар кўзи намланмасди, оналар кўзи ёшланмасди, фарзандлар соғлом ҳаёт кечирардилар.

**Хуршида ТУРСУНОВА, Юнусобод тумани.**

***Мўътабар манбаларда қайд этилганидек, инсон дунёдаги энг улуғ зот. Шуур ва онг, ҳиссиёт ҳамда ҳаяжон, нозик туйғуларни фавқулодда илғаш фаросати... Буларнинг барча-барчаси сарзамин гултожи — инсонгагина насиб этган. Бу — инсон ўзича бир олам, ўзича бир дунё дегани. Яна шу ҳақиқат аёнки, бу фоний дунёдаги ғанимат умри давомида ўзидан ўзлигини излаб яшайди. Ўзлик эса махсус тилсимот билан қулфи-калит қилинган. Ҳазрат Навоийнинг «Лисон ут тайр»идаги:***

*Мулоҳаза*

# ГЎЗАЛЛИК ҚАЕРДАН БОШЛАНАДИ?

**Кўнгли анинг мағзани**
**ирфон қилиб,**
**Ул тилсим ичра ўзини**
**пинҳон қилиб.**

деган сатрлари ёдингиздадир?! Яъники, инсоннинг кўнгли илму урфонга мойил қилиб яратилди. У бир тилсим. Бу тилсимга ЎЗИНИ (Ҳақ маъносида — муаллиф) яширди... Аммо тилсимот эшигини очиб ичкарига кириш ҳар кимга ҳам насиб қилавермайди.

Ҳатто тасаввуф тариқатининг энг улуғ устунлари ҳам бу борада ўзларини баркамол, беками кўст ҳисоблай олмаганлар. Айтадиларки, кунларнинг бирида машҳур мутасаввуф Баязид Бистомийнинг дарвозасини кимдир тақиллатади. Соҳиби хонадон дарвоза эшигини очмай туриб, меҳмоннинг не юмушда ташриф буюрганини сўрайди. Маълум бўладики, у бир зиёратчи: ҳазратни кўриб, суҳбати аржумандига нойил бўлиш. Ижозат берса, мурид тутиниш ниятида келган.

— Йўқ, — дейди Бистомий ўзини нотаниш кимсага танитмай, — сен излаб келган одам уйда эмас. Ўзим ҳам уни ҳалигача тополганимча йўқ...

Кишининг кўнгил кўзини чароғон этадиган бундай ҳайратомуз ҳикоятлар Шайх Санъон, Мансур Ҳаллож, Або Муслим сингари бузрук шахслар ҳаётида кўп учрайди.

Хўш, нима учун биз айнан индаллони ўзлик, кўнгил ҳақидаги гаплардан бошлаб қўя қолдик? Ахир, сарлавҳага гўзаллик сўзи чиқарилганди-ку?! Аввало, шуни айтиш кераккки, инсон ЎЗЛИКни англаш баробарида маънан, қалбан гўзаллашиб боради. Бу муштараклик натижаси ўлароқ, чинакам инсоний гўзаллик яралади. Кўнгил-чи? Кўнгил мисоли бир қаср. Қасрнинг кунгурадор пештоқларига эзгулик, ҳиммат, ҳалимлик, олижаноблик, орасталик, поклик, ҳаромдан ҳазар қилиш, бағрикенглик сўзлари ўйиб «ёзилган».

Яна шуниси ҳам борки, чинакам инсоний гўзаллик зоҳирий (ташқи) моҳият касб этганида юксак одамийлик тамойиллари юзага қалқийди. Шу ўринда азим Деҳқонободнинг пурвиқор тоғлари қўйнида жойлашган қишлоқларнинг бирида кекса отахонлардан эшитган бир ҳикояни айтиб ўтмасак бўлмас.

Биласизки, ҳар манзил-у, маъвонинг алоҳида эътиборга лойиқ, мартабали кишилари бўлади. Қурбон мираҳўр, ана шундай одамлар сирасига мансуб бўлган. Кексаларнинг айтишича, авлод-аждоди анчагина бой-бадавлат бўлган Қурбон мираҳўр, қиз чиқариш тараддудида юрган бечораҳол бир кишига моддий ёрдам бериб юборади. Мираҳўр томонидан ёлланган одам халтачадаги олтин тангаларни унинг уйига ташлайди-ю, топшириққа мувофиқ тезда қайтиб чиқади.

— Ҳой, ҳеч бўлмаса айтиб кет, ким берди буни? — дея остонада шоша-пиша сўроқлайди уй эгаси.

Лом-мим дейиш йўқ. Гўё ҳаммаси тушда содир бўлаётгандай.

— Ҳа, майли, айтмай қўя қол, — дейди бечораҳол, — айтмасанг ҳам биламан. Бунақа ишларни... Қурбон мираҳўр қилади.

У шу тариқа кўзларига ёш олиб, қўлларини дуога очади.

— Афсус ҳаёт экан, шундай одамдан зурриёт қолмаган: тақдирнинг иши-да бу-ям, — дейди Чамбил бобо оппоқ соқолини тутамлаб. — Биз ёшгина пайтларимизда у киши анча кексайиб, ҳассага таянадиган бўлиб қолгандилар. Аммо, умр бўйи одамларга яхшилик қилиб ўтганидан, халқ дуосини олгани боис юзидан нур ёғиларди.. Нуроний қиёфаси ҳали-ҳануз кўз олдимдан кетмайди. Келбатли, хушсурат одам эдилар...

«Юзидан нур ёғиларди... «Нуроний қиёфа...» Қаранг, улар бунчалар муштарак. Бир-бирига ҳамоҳанг сўзлар. Деярли ўтган аср билан тенгдош бўлган отахонлар суҳбатидан ажралиб йўлга чиқдик. Йўлдамиз. Ҳамон ўша ҳикоя таъсиридаман. Донишмандлардан бири шундай деб ёзганди: «Эзгулик шуъласи қалбни нурафшон қилади, ғуборлардан тозалайди, энг муҳими, инсоннинг юзида мудом зуҳурланиб туради». Ҳақ гап экан, жуда топиб айтилган.

Академик шоиримиз Ғафур Ғуломнинг шундай сатрлари бор: «Гўзаллик ишлайиш, манглайин терлатиш...» Дарҳақиқат, инсоний гўзалликнинг яна бир қирраси — меҳнат билан бошланади. Эҳтимол, жисмоний меҳнат кўникмаси бироз четга сурилиб, фақат ақлий меҳнат эвазигагина кун кўриш бирламчи ўринга чиқаётган бугунги глобаллашув жараёнида бундай дейиш бироз ножоиз туюлар, балки? Айниқса, фарзандларимиз уззукун «Интернет кафе»лардан бери келмаётган, Алпомиш ким? Гўрўғли ким? Авазхон ким деб сўрасанг, лом-мим деёлмайдиган, беҳаракатликдан сахту сумбати қиздай нозиклашиб кетаётган бир паллада-я! Аслида бунинг ҳеч ажабланадиган жойи йўқ. Негаки, дунёвий тамаддун ривожи, юксалиши ҳамма даврда ҳам интеллект ҳисобига бойиган. Билимли, ақлли одамлар сув ва ҳаводай зарур. Аммо...

Келинг, «ойнинг кўринмас» томонига ҳам бир назар ташлаб ўтайлик. Толстой мулкдор -граф, буюк ёзувчи, мутафаккир адиб эди: аммо у бир вақтнинг ўзида Ясная Полянадаги ер-мулкида энг зўр омочкаш, буғдой ўрувчи, чалғи тортувчи. Бир сўз билан айтганда — деҳқон бўлган. Унинг И.Репин томонидан яратилган омоч ҳайдаётган суратига кўзингиз тушган, албатта. Ёинки, улуғ носиримиз Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар»ни қаламга ола туриб, ўзи ташкил этган боғда узум узишда ёрдам бергани, ер чопиқ қилгани, дарахтларга шакл беришда шахсан ўзи бош-қош бўлгани ҳақида эшитганимиз бор. Бундай пайтлари шоирнинг шундай мазмундаги шеърий тизмалари хотирага қуйилиб келади: «Ерни гўзал қилгани сайин, гўзал бўлиб борар инсон ўзи ҳам».

Гўзаллик тушунчаси маънавий аҳамиятга молик ҳодиса. Миллатни миллат сифатида кўз-кўз қиладиган улуғвор даражалари кўп. Гўзал ахлоқий қарашлар, келажак пойдевори — ёшлар онгида гўзаллик тушунчасини сингдириш сингари маънавий кенгликларни бугун яна қайта сайқаллаб, кемтикларини тўлдириш пайти келди. Бинобарин, шиддат билан ўзгараётган, кундан кунга янгиланиб бораётган замон зайли бизни шунга ундайди.

**Хидирали ПАНЖИЕВ**

Шарқ дурдоналари

## Оз-оз ўрганиб доно бўлур...

• Тартиб-интизомнинг мактаби — оила.

• Оила ҳаётининг бош муддао ва мақсади — болалар тарбиясидир. Болалар тарбиясининг бош мактаби эса эру хотин, ота-онанинг ўзаро муносабатидир.

• Бола учун биринчи сабоқ, майли итоаткорлик бўла қолсин — шунда сен нимани зарур деб топсанг, ўша — иккинчи сабоқ бўлади.

• Инсон табиатига болаликдан сингдирилган фазилатларгина мустаҳкам ва ишончли бўлади.

• Олимлардан Рифъат ибн Исмоил айтади:

— Болаларингизни чет кишилар ёнида уришиб, таъзирини берманг, меҳмондорчиликка чақирсалар, болаларингизни бирга олиб борманг. Уйингизга меҳмонлар келса, ёш болаларингизни улар ёнида ўтказиб, дастурхонга қўл узаттирманг, чет кишилар ёнида оилангиздан шикоят қилманг. Мунофиқона равишда бошқаларни камситиб, сизнинг ақл ва ҳаракатингизни мақтаган риёкор мунофиқларнинг сўзларига учманг. Болаларингизга бирор хизмат буюрар экансиз, яхши сўзлар айтиб, мулойимлик билан буюринг. Мағрур, мутакаббир ва аччиқ сўзли бўлманг, оилангиз ва дўстларингизга ўзингизни севдиринг.

Илгари қилган бир яхшилигингизни ҳадеб қайтариб, мақтаниб юрманг. Орангизда бўлган, қариндошлик, дўстликка таяниб, улардан фойдаланиш орзусида бўлманг. Ҳеч кимни уялтирманг. Уятли латифаларни сўзламанг. Ҳайвонларга ҳам раҳмдил бўлинг, уларни уриб, озор беришдан сақланинг. «Ёшим катта бўлгани учун кичиклар ёнида нима сўзласам бўлаверади», деб ўйламанг. Йиғилишда эр ўз хотинидан, хотин ўз эридан шикоят қилиши дуруст эмас. Йиғилишда ҳар хил муносабатсиз савол-жавобдан тортитлинг, саволингизга жавоб беришни истамаган одамни «Жавоб бер» деб зўрламанг, одоб-тарбияга риоя қилинг.

**Байт:**

**Кимки бўлса,**
**хушчироую хушқилик,**
**Доимо кўргай жаҳонда**
**яхшилик.**
**Яхшилик тухми**
**саодатлар берур,**
**Гар тикан эксанг,**
**оёғингга кирур.**

• Олим, фозиллардан Абу Язид айтади:

— Энг яхши кишининг икки қўли ҳам тўғри бўлади, у бир қўли билангина эмас, икки қўли билан яхшилик қилади.

Байт:

**Мардларнинг ишларин**
**андеша қил,**
**То тириксан яхши**
**ишни пеша қил.**

*2004 — Меҳр ва мурувват йили*

# САХИЙҚАЛБ ИНСОНЛАР КЎПАЯВЕРСИН

***Қадим-қадимдан халқимиз орасида мардлик, ҳалоллик, ҳақгўйлик, самимийлик, виждонлилик ва номуслилик фазилатлари улуғлаб келинади. Олижаноб, саховатли замондошимиз, «Тошкент шаҳар йўловчилар ташиш транспорти Фахрий ходими» нишони соҳиби Эргаш Хўжаевнинг мазмунли ва хайрли ҳаётида ҳам юқоридаги эзгу фазилатлар мужассамдир десак адашмаймиз.***

... Эргаш ака пиру-бадавлат хонадон соҳибларининг улуғи. Умрининг 35 йилини шаҳар транспорти хизматини такомиллаштириш йўлига сарфлади. Нозимхоналарда машиналарнинг ҳаракат мунтазамлигини назорат қилиб, аҳолининг автобус хизматига бўлган талаб ва эҳтиёжини қондириш йўлида ички имкониятлардан самарали фойдаланди. Тажрибали диспетчерлар Шукур, Ҳайрулла, Абдуҳаким Хўжаевлар, Шавкат ва Равшан Абдуманноповлар Эргаш аканинг шогирдлари. Улар меҳнат қилиб кам бўлмадилар. Турмушлари яхши, топиш-тутишлари баракали, шогирдлари ҳам устозлари каби тўй-томошалар қилдилар, қарияларнинг дуосини олдилар. Эргаш ака бутун иш фаолияти давомида йўловчи ва ҳайдовчилардан ширинсуханлигини ҳеч аямади. Кичигини укам, каттасини акам деб уларга ниҳоятда ҳушёрлик билан муомала қилди, фойдали маслаҳатлар берди. Мана икки йилдирки, кексалик гаштини суриб келаётган Эргаш ака юрагининг бир четида ўйлаб юрган орзуси ҳеч тинчлик бермайди. У муборак Ҳаж сафарига бориш—муқаддас Маккани зиёрат қилиш, мусулмончиликнинг бешта фарзидан бирини адо этишдек ширин хаёллар билан яшарди. Кунларнинг бирида Эргаш ака нонуштадан сўнг 42 йиллик турмуш ўртоғи Мукаррамхон аяни ёнига чақирди.

— Ҳа, нима гап, дадаси? — деди Мукаррамхон ҳайрон бўлиб.

Эргаш ака гапни узоқдан бошлади.

—Онаси, гапнинг индаллоси, сен билан бир ёстиққа бош қўйганимдан, нуридийдаларимиз Тўлқин, Бахтиёр, Ҳусниддин, Зуҳриддин, Саодатхон, Қутбиддинларнинг халққа фойдаси тегиб келаётганидан хурсандман. Улардан кўплаб ширин-шакар неваралар кўрдик. Ҳозир эсласам саноғига етолмайман, отини ҳам тополмай янглишиб кетаман. Бу орзули дунёда кўплаб невара тўйларини ҳам кўрдик. Ҳаммасини уйли-жойли қилишдан қутулиб, Ҳаж сафарига боришни мўлжаллаб қўйган эдим. Президентимиз 2004 йилни «Меҳр ва мурувват йили» деб эълон қилдилар, бу хайрли иш ҳаммага маъқул бўлди.

— Юртимиз тинч, турмушимиз фаровон бўлаверсин, дадаси.

— Гапни эшит Мукаррама, Ҳаж сафарига кетадиган харажатни ота-она меҳридан жудо бўлган етимлар ва ногиронлар уйига сарфлашни ўйлаб қолдим, сен нима дейсан?

— Раҳматли бувам доим «Савобнинг таги олтин» дердилар. Тўғри ўйлабсиз. Хонадонимизда кўплаб ошлар дамлаганмиз. Ўша меҳрга муҳтож болаларга мурувват кўрсатсак Ҳаж сафарига борганлар қаторида эъзозланишингиз аниқ. Фарзандларингиз, набираларингиз ҳам бизни қувватлашади, — деди Мукаррама ая мамнун бўлиб.

Қорақамиш 2/5 даҳасида жойлашган 1-сонли мурувват уйида бўлдик. Ҳозирда бу даргоҳда 320 нафар оёқ, қўллари заиф, ёшига нисбатан вояга етмаган, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар паноҳ топганлар. Давлатимиз ногиронлардан ҳеч нарсани аямай, уларга беминнат кўмак бериб келаяпти. Ҳамшаҳарларимиз орасида ҳам хайру саховат кўрсатиб келаётган ҳимматли инсонларни кўрганда дилинг ёришади.

Эргаш ака Хўжаев ҳам мана шу ногиронлар уйида тарбияланувчилар учун мурувват кўрсатиб, катта қозонда ош дамлаб тарқатди, болаларга совға-саломлар улашди.

—Еттинчи болалар гуруҳида 40 нафар кичкинтой тарбияланмоқда. Айниқса гиёвандлик таъсирида туғилган болаларнинг учраб туришидан қаттиқ ташвишдамиз. Ўзи тарбия қилишдан номус қилган ота-она «вақтинчалик» деб ташлаб дараксиз йўқолиб кетишади, — дейди тарбиячи Муҳаббат Саидкаримова. —Ҳамкасбларим Лидия Молодова, Зебо Йўлдошева, Татьяна Гришина, Феруза Саидовалар ногирон, кўнгли ярим болаларни худди ўз фарзандларидек ардоқлаб, оқ ювиб, оқ тараб савобли ишларни амалга оширишмоқда.

Ўзбек халқига хос фазилатларнинг энг ёрқин қирраларидан бўлмиш меҳр ва мурувват соҳиби Эргаш ака Хўжаев каби саховатли, «ҳазрати инсон» деган улуғ номга муносиб юртдошларимиз сафларида бўлиш ҳаммамизга насиб этсин.

**Фаттоҳ АБДУРАҲИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист.**



**Болажоним, сув оби-ҳаётдир, ичақол.**

# РАСМЛАРДА ДИЛ ТАФТИ

**Ўзбекистон Бадиий академиясининг Замонавий санъат марказида “Бизнинг мерос” туркумидан марҳум рассом Борис Токмин асарларининг кўргазмаси очилди.**

— Борис Токмин ҳаётни нозик ҳис қилувчи, бой маънавий ички дунё соҳиби эди, — деди санъатшунос Саида Илҳомова “Туркистон-пресс” мухбирига. — У асосан портрет, манзара, натюрморт жанрида ижод қилган ижодкор ҳисобланади. Шу ўринда рассомнинг “Оила”, “Гиламдўзлар”, “Тоғларда баҳор”, “Болалар боғчаси”, “Ҳайдовчилар” каби асарларининг асосини кундалик маиший ҳаёт лавҳалари ташкил этади. Расмларини кузатар экансиз, уларда акс этган қаҳрамонлар образи томошабин хотирасида узоқ вақт сақланиб қолади.

Таъкидлаш жоизки, умуман Борис Токмин асарларида ўзбек оилаларига хос яхлит уйғунлик намоён бўлади. Сирли оламимизнинг болаларга хос жозибадор ҳолатини “Эртак” асарида яққол очиб беради. “Болалар боғчаси” асари орқали эса муаллиф кундалик турмуш кўринишларини ҳаётий қувонч билан кўрсатиб беради.

Мўйқалам соҳибининг портрет жанридаги асарларида эса унинг ижод қирралари ўзига хос талқинини топди. “Пианиночи қиз”, “Рассом Камол”, “Автопортрет”, “Маяковский” портретларида ҳиссиётлар туғёни, фикрлар теранлиги, эришилган муваффақиятлардан қониқмаслик туйғулари сезилиб туради.

**Дилдора ТОИРОВА,**
**“Туркистон-пресс”**

***Бугунги кундаги ҳуқуқий ислоҳотлар, ҳозирги тараққиёт босқичида республикамиз давлат суверенитетини мустаҳкамлаш, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маданий, маърифий муаммоларни ҳал этиш, порлоқ истиқболга эришиш жамиятимиз ҳаётининг асосий мазмунини ташкил этмоқда.***

*Ҳуқуқий давлат сари*

# ЖАМИЯТ МУСТАҲКАМЛИГИ АСОСИ

Айниқса, ҳуқуқий маданиятни ҳаётга татбиқ этиш, жамият ҳар бир аъзосининг ҳуқуқий саводхон бўлишига интилиш ҳар бири кишининг юридик нормаларни билиши ва уларга амал қилиши ҳамда аниқ ва бенуқсон бажаришга ҳаракат қилиши зарурлиги мана шундан келиб чиқади.

Зеро, шундай экан ҳуқуқ ва маданият бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир.

Ҳуқуқий маданият — бу жамият иқлимидир. Агар жамиятда ҳар бир фуқаро ҳуқуққа, қонунга ҳурмат билан муносабатда бўлса, ҳуқуқ ва қонунчиликнинг устуворлигини тан олса, давлатда тартиб ўрнатилади. Ва аксинча, ҳуқуқ нормаларига ҳурматсизларча муносабатда бўлиш жамият турмуш меъёрининг бузилишига, жиноятчиликнинг ўсишига олиб келади.

Ҳуқуқ ва маданият масалалари турмушимизнинг кўп жиҳатларига тегишлидир. Лекин улар ҳар биримиз учун долзарб масалаларга айланиб қолмоқда.

Ҳуқуқий маданият — фуқаролар ва мамлакатлар ўртасидаги мулкий, иқтисодий, оилавий, шахсий ва ҳоказо муносабатларни тартибга солувчи қонунлар, нормалар, қоидалар мажмуасидир. Агар инсон уларни ўзлаштириб, ўз ҳаётий фаолиятида онгли равишда қўллай олса, унинг ҳуқуқий маданияти шунчалик юқори бўлади.

Ҳуқуқий маданият жамиятда адолат, осойишталик, тинчликни таъминлашга хизмат қилади.

Ҳуқуқий маданиятнинг дастлабки куртаклари Мисрда, Месопотомияда (эрамиздан аввалги даврларга мансуб Хаммурапи қонунлари) айниқса Римда ривожланган. Уларнинг кўпгина нормалари ҳозирги замон қонунларида ҳам ўз аксини топган.

Ўзбекистон Республикаси ўз Мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг, ўзининг янги Конституцияси, ҳуқуқий нормаларини ишлаб чиқди, улар халқимиз ҳуқуқий маданиятининг ўсишига замин яратиб борди.

Республикамиз фуқароларининг, айниқса ёш авлоднинг ҳуқуқий билим савиясини юқори даражага кўтариш билан жамиятда қонунбузилишлари ва адолатсизликларнинг олди олинади. Қонунларга риоя этишимиз, уларни ҳурмат қилишимиз давлатимизни мустаҳкамлашга асос бўлади.

Юртбошимиз таъкидлаб ўтганларидек, «Ҳуқуқий маданият фақатгина қонунларни билиш, ҳуқуқий маълумотлардан хабардор бўлишдангина иборат эмас. У қонунларга амал қилиш ва уларга бўйсуниш маданияти демакдир».

Бу борада ҳуқуқий тарғибот ишларини йўлга қўйиш ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан мулоқотлар олиб бориш лозим.

**Шуҳрат ҚАҲҲОРОВ,**
**Республика Бош прокуратураси жиноятларни тергов қилиш устидан Назорат бўлими прокурори.**

*Турфа олам*

## СУВ ОСТИДА... ҚИЛИЧБОЗЛИК

Икки нафар топағон француз йигитлари сув спортини яна бир янги тур билан бойитишга қарор қилишди. Махсус акваланг мослама ва кийимларини, қўлга қилич олдилар-да, сунъий сув ҳавзаси тубига шўнғишди. Муҳитнинг ғайриоддийлигига қарамай, қиличбозликнинг барча қонун-қоидаларига биноан роса «жанг» қилдилар. Маънилими, бемаънини, ишқилиб топағонликнинг ҳам чеки йўқ экан-да.

## СОТИБ ОЛМАЙСИЗМИ?

Япон лойиҳачилари узоқ масофага юрувчи, дунёдаги энг узун лимузин автомобилини яратдилар. Мўъжиза машина 11 жуфт ғилдиракка эга, салонида эса 50 та қулай курсилар ўрнатилган. Шунингдек, йўлда тамадди қилиш учун буфет ва оёқни бемалол узатиб ётса бўладиган 4 та диван-ўриндиқ ҳам бор.

## БИР НАФАСДА

«Стадион» атамаси юнонча «стадий» сўзидан олинган бўлиб, у антик даврда роппа-роса 192.27 метр масофа ўлчовини билдирган. Қадим Юнонистондаги Олимпиада ўйинлари ўтказиладиган, Олимпия деган манзилда югуриш йўлакчасининг узунлиги айнан шу масофага тенг. Бу ўлчов қандай келиб чиққан ўзи? Афсонада айтишларича, тенгсиз паҳлавон Геракл бир нафас билан худди шунча масофани босиб ўтар экан.

## БЎЙДОРЛАРГА ОСОН ЭМАС

Дунёда энг баланд бўйли одам ким, биласизми? Португалия пойтахти Лиссабон шаҳрида яшовчи Габриэл Монжане ушбу номга муносиб киши бўлиб унинг бўйи салкам 2,5 метр келади. Оғирлиги ҳам чакки эмас — 150 килограмм. Шундай бўй бўлгани яхшими-ёмонми? Иккаласи ҳам. Фақатгина у доимо автобусда юришга мажбур. Енгил машинада юриши эса тасаввур ҳам қилолмайди. Бунинг учун, чақалоқ она қорнида қандай ётса, худди шундай букланиши керак эмиш.

# ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

***Тошкент Давлат шарқшунослик институтида "XXI аср Ўзбекистон билан Қувайт ҳамкорлигининг истиқболлари" мавзуида ўтказилган танловнинг ғолиблари аниқланди. Мазкур танлов Тошкент Шарқшунослик институти ва Қувайтнинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамкорлигидаги ўқитувчилар, магистрантлар ҳамда талабалар ўртасида ўтказилди. Шарқшунослик институтининг профессори Тельман Сатторов ва талабаси Манзура Ҳусниддиновалар ғолибликни қўлга киритишди.***

— Ғолибликни қўлга киритганимдан беҳад хурсандман, — деди институт сиёсатшунослик бўлимининг 4-курс талабаси, биринчи ўрин соҳиби Манзура Ҳусниддинова "Туркистон-пресс" мухбирига. — Танлов шартларига кўра, таржимаи ҳол ва маъруза топширилиши лозим эди. Маъруза матнини танлашда ҳамда танловда иштирок этишимда домлам Муҳаммад ал-Бухорий яқиндан ёрдам берди. "XXI асрда Ўзбекистон ва Қувайт: икки томонлама алоқаларининг ривожланиш истиқболлари" мавзуида маъруза тайёрладим. Маърузамда Конституциямиз, Президентимиз асарларига, халқаро ҳуқуқ китобларига таянган ҳолда икки давлат ўртасидаги дипломатик алоқаларни, иқтисодий ва сиёсий ҳамкорликни янада ривожлантириш юзасидан ўз таклифларимни билдирдим.

Таъкидлаш жоизки, танловда Шарқшунослик институти ва Тошкент Ислом университетининг ўқитувчи ва талабалари қатнашди.Танлов ғолиблари танловга йигирма тўққизта қатнашчиларнинг маърузалари билан ҳайъат аъзолари танишиб чиқди. Мазкур танлов якунлари Қувайтнинг миллий байрами арафасида якунлангани учун Қувайтнинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Валид ал-Кандари жаноблари ҳамма иштирокчиларни тақдирлади.

**"Туркистон-пресс"**

*Фан*

# ГИДРОМЕХАНИК МОДЕЛЬ ТАДҚИҚИ

***«Аралашмалар ҳаракатининг гидромеханик модели» деган ибора негизида кўп йиллик илмий изланиш маҳсули намоён бўлади. Бу йирик тадқиқот чет элларда. «Раҳматуллин-Файзуллаев модели» деган ном билан оммалашиб кетди.***

Чиндан ҳам Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, профессор Раҳматуллин механика фанига ўз муносиб илмий ҳиссасини қўшди. Унинг «Қувурларда оқаётган аралашмаларнинг гидравлик масалалари» деб номланган тадқиқоти ҳам йирик мутахассислар эътиборини ўзига тортди.

Шу илмий йўналишда юзага келган «Қувурларда кўп фазали муҳитларнинг ламинар ҳаракати» деган монография инглиз тилида китоб сифатида босмадан чиқарилди. Бу нашр ўзбек олимининг америкалик йирик тадқиқотчилар билан яқин ҳамкорлигида чоп этилди.

**Аҳмад АББОСОВ**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

*Баҳор байрамлари арафасида*

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки**

*«Гулбаҳор» омонат турини таклиф этади*

*Йиллик даромад 50%*

*— пуллар 2004 йилнинг 24 февралидан — 5 мартгача қабул қилинади*
*— сақлаш муддати - 45 кун*
*— бадалнинг минимал суммаси — 50 000 сўм*

NBU

**МИЛЛИЙ БАНК — ПУЛЛАРИНГИЗ САҚЛАНИШИ ВА ДАРОМАДЛИЛИГИГА КАФОЛАТДИР!**

**Қўшимча маълумотларни 135-42-83, 134-14-14 телефон рақамлари орқали ёки Миллий банкнинг исталган бўлим/филиалидан олишингиз мумкин www.nbu.com**

**БАНКРОТЛИК ҲАҚИДА СУД МАЖЛИСИ, КРЕДИТОРЛАРНИНГ БИРИНЧИ ЙИҒИЛИШИ ВА ҚАРЗДОРЛАРГА НИСБАТАН КУЗАТУВНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ҲАҚИДА**

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2004 йил 13 февралдаги 10-0420/786 Ажримига асосан «ARGO-LEO» хусусий фирмасини «Банкрот» деб эътироф этишга оид иш юритиш ва кузатув жараёни бошланди. Мувaққат бошқарувчи—Мирobод тумани Давлат солиқ инспекцияси ходими М.А.Рузикулова тайинланди. «Банкротлик» иши 2004 йил 4 март соат 11-30 да Тошкент шаҳар Хўжалик судида кўрилади. Манзил: Чўпон-ота кўчаси 6-уй.

2-зал. Кредиторларнинг 1-йиғилиши 2004 йил 26 февраль соат 11-00 да қуйидаги манзилда бўлиб ўтади:

Нукус кўчаси, 23а-уй, 602-хона. телефон 55-38-64

Мирobод тумани ДСИ бошлиғи О.Файзибоев.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2004 йил 13 февралдаги 10-0420/785 Ажримига асосан «STANDUS-SERVIS» хусусий фирмасини «Банкрот» деб эътироф этишга оид иш юритиш ва кузатув жараёни бошланди. Мувaққат бошқарувчи Мирobод тумани Давлат солиқ инспекцияси ходими А.Алимов тайинланди.

«Банкротлик» иши 2004 йил 4 март соат 10-30 да Тошкент шаҳар Хўжалик судида кўрилади. Манзил: Чўпон-ота кўчаси, 6-уй, 2-зал. Кредиторларнинг 1-йиғилиши 2004 йил 26 февраль соат 12-00 да қуйидаги манзилда бўлиб ўтади: Нукус кўчаси, 23а-уй, 602-хона. Телефон: 55-38-64

Мирobод тумани ДСИ бошлиғи О.Файзибоев.

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ВА «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»**

газеталари таҳририяти реклама агентларини ишга қабул қилади.
Маълумотлар учун телефон: 133-28-95

Poytaxt INFORM FM 107.2
132-26-44 132-26-45

Кўнгил учун мусиқа, мулоҳаза учун ахборот. Пойтахт ўз радиосини танлайди «Пойтахт-Информ».

*Спорт*

## «ПАХТАКОР»НИНГ ЯНА БИР МУВАФФАҚИЯТИ

***Ўтган йилги мамлакат чемпиони ва биллур соврин соҳиби «Пахтакор» жамоаси янги мавсумда яна бир ўзига хос муваффақиятга эришди.***

Гап шундаки, мамлакат олий ва биринчи лига жамоаларининг мавсумга тайёргарликларини ташкил этишга кўмаклашиш мақсадида ҳар йили Ўзбекистон Футбол Федерацияси Кубоги мусобақаларини ўтказиш анъана тусига кирган.

«Пахтакор» ушбу турнир доирасида барча рақибларини енгиб финалга чиқди. Финалда «Пахтакор»га биринчи лига вакили бўлса-да ўзига хос ўйин услубига эга «NBU-Азия» жамоаси рўпара келди.

Ўйин финал беллашувларига хос тарзда қизиқарли ва комбинацион руҳда кечди.

Анвар Солиев ва Марат Бикмаевларнинг аниқ зарбаларидан сўнг иккинчи бўлим ўрталарида «Пахтакор» 2:0 ҳисобида олдинга чиқиб олди. Иккинчи бўлимнинг иккинчи ярмида рақиб жамоа футболчилари ҳисобни қисқартиришга муваффақ бўлишди — 2:1. Охирги дақиқада «Пахтакор» дарвозабони 11 метрлик жарима тўпини қайтаришга муваффақ бўлди. Шу тариқа 2:1 ҳисобида ғалаба қозонган пахтакорчилар Ўзбекистон Футбол Федерацияси Кубогининг бу йилги соҳиблари бўлишди.

**Даврон НУРМАТОВ**

*Солиқ*

# ҚОНУНБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИ ОЛИНДИ

***Ҳамон Республикамиз пойтахти ҳудудига чет давлатларда ишлаб чиқарилган товарларнинг ноқонуний тарзда кириб келиши ҳолатлари Тошкент шаҳар прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси ходимларини таажжубга солмоқда. Нега десангиз пойтахтимиз қўшни давлатларнинг биронтаси билан чегарадош эмас, шундай бўлсада шаҳар ҳудудида миллион-миллион сўмлик ноқонуний товарларнинг айрим тадбиркорлар томонидан савдога қўйилаётгани ҳолатлари тез-тез аниқланмоқда.***

Айрим фуқароларимиз ҳукуматимиз томонидан қабул қилинаётган қонун ва қарорлар моҳиятини тушуниб-тушунмай ёки била туриб ўз нафсларини қонунлардан устун қўйган ҳолда иқтисодий ва жиноий қонунбузарликларга қўл урмоқдалар. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида»ги 154-сонли қарори қабул қилинганига бир ярим йилдан кўп вақт ўтган бўлсада айрим шахслар томонидан республикамиз ҳудудига хорижда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ноқонуний равишда, божхона тўловларини тўламасдан, ғайриқонуний йўллар билан олиб киришга уринаётганлик ҳолатлари ҳали ҳам аниқланмоқда. Бошқарма ва унинг туман бўлими ходимлари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 154-сонли қарори ижроси бўйича ўтказилган тезкор тадбирларда аниқланган ҳуқуқбузарликлар юзасидан қарор қонуний кучга кирган кундан то ҳозирга қадар 1300га яқин ҳолатда 4 миллиард 866 миллион 730 минг сўмлик товар-моддий бойликлар Тошкент шаҳри ҳудудига ноқонуний равишда божхона тўловларини тўламасдан турли йўллар билан олиб кирилганлиги аниқланди. Куни кеча Тошкент Ҳалқа йўлининг «Шифобахш сувлар» масканидан Тошкент шаҳри томон ҳаракатланаётган Гулноза Шербекова бошқарувидаги ГАЗ 31 «ВОЛГА» русумли давлат рақами 30 А0737 бўлган автомашинаси Тошкент шаҳар ЙПХ нозирлари билан ҳамкорликда ўтказилган тезкор тадбир давомида тўхтатилганда Собир Раҳимов туман прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлими ходимлари автомашина юкхонасида кўп миқдордаги чет элда ишлаб чиқарилган 13 турдаги дори воситалари борлигидан хабардор бўлишди. Фуқаро Г. Шербекованинг тушунтиришига кўра Матлюба Боймирзаева ва Муҳайё Ҳидоятовалар билан бирга олдиндан келишган ҳолда қўшни Қозоғистон Республикасига «Ғиштқўприк» пости орқали ўтиб у ердан юқоридаги 13 турдаги дори воситаларини сотиб олиб республикамиз ҳудудига божхона постларини четлаб, айланма йўллар орқали киришган. Шунингдек бу дори воситалари Вазирлар Маҳкамасининг 154-сонли қарори ижроси бўйича мусодара қилинади, аниқланган қонунбузарлик давомида эса улар бошқарувидаги ГАЗ 31 «ВОЛГА» русумли давлат рақами 30 А0737 бўлган автомашина қонунчиликда белгиланган тартибда давлат эгалигига ўтказилади.

Акмал Икромов тумани прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага қарши курашиш бўлими ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирда Ҳамза туманида истиқомат қилувчи Яздон Худойбердиев ўз уйида Корея Республикасида ишлаб чиқарилган, Ўзбекистон Республикаси акциз маркалари бўлмаган 3880 қути «PINE» тамаки маҳсулотларини қонунга хилоф равишда 1 миллион 475 минг сўмга сотган вақтда бўлим ходимлари томонидан бу сохта тадбиркорнинг ноқонуний фаолиятига чек қўйилди. Шунингдек бўлим томонидан айрим шахсларнинг республикамиз ҳудудига алкоголли маҳсулотларни олиб кириш ва сотиш билан боғлиқ бўлган жиноятларни аниқлаш, бартараф этиш ва унинг олдини олиш бўйича ҳам қатор тадбирлар ўтказилмоқда. Жумладан фуқаро Ш. Алимов алкоголли маҳсулотларни қонунга хилоф равишда муомалага киритиш мақсадида Қозоғистон Республикасида ишлаб чиқарилган, Ўзбекистон Республикаси акциз маркаси елимланмаган жами 468 шиша «Родина», «Пшеничная» ароқларини 414,0 минг сўмга сотаётган вақтда бўлим ходимлари томонидан ушланган. Шу билан бирга фуқаро Н. Пўлатова, А. Алимуҳамедов билан биргаликда алкоголли маҳсулотларни қонунга хилоф равишда муомалага киритиш мақсадида ўзаро жиноий тил бириктириб, 295 шиша Қозоғистон Республикасида ишлаб чиқарилган, Ўзбекистон Республикаси акциз маркаси елимланмаган «Родина» ароқларини 210.0 минг сўмга сотган вақтда ушланганлар. Уларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг тегишли моддалари билан жиноят ишлари қўзғатилган ва қилмишларига яраша жазоларини олдилар.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, айрим нопок шахслар томонидан мўмай пул топиш мақсадида бундай қилмишлар содир қилинар экан, биз уларнинг олдини олиш учун маҳаллаларда, жамоат жойларида, фуқаролар ўртасида тушунтириш ишларини кўпроқ ўтказишимиз лозим, токи фуқаролар қонунга амал қилмаслик оқибати нималарга олиб келишини билсинлар.

**Баҳром АБДУКАРИМОВ,**
**Тошкент шаҳар прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси катта криминалисти.**

*Табиат ажойиботлари*

***Жанубий Америкада жуда катта, апельсин ўлчамига тенг келадиган йиртқич ўргимчак яшайди, у майда қушларга ҳужум қилади. Ўргимчак жағида заҳарли безри бўлиб, қушларни тишлаганча шол қилиб қўяди.***

# АУТОТОМИЯ ҲОДИСАСИ НИМА?

Лекин бу йиртқичнинг ўзига нисбатан янада хавфлироқ душмани Бразилия ариси ҳисобланади. Унинг ташқи кўриниши бизда яшайдиган қовоқ аридан каттароқ бўлиб, гавдаси қора рангда, қанотларида оқ доғлари бор. Қушхўр ўргимчакни кўриб қолган ари унинг тепасига келиб айлана бошлайди, ўргимчак ҳам курашга тайёрланади, у ўзининг тўртта орқа оёғига таяниб, олдинги икки оёғи билан арига қаршилик кўрсата бошлайди. Ари эса чаққонроқ ҳаракат қилиб ҳар томондан ўргимчакка ҳамла қилади. Ана шундай кураш жараёнида ўргимчак изчилроқ ҳаракат қилиб гавда мувозанатини йўқотаёзса, бундай ҳолат ўргимчак учун фожиали якунланади. Ари бир лаҳзада ўргимчак устига чиқиб олиб ўзининг заҳарли қуролини ишга солади ва нимжон бўлиб қолган ўргимчакни кўтарганича инига олиб кетади ва унинг устига тухум қўяди.

Тухумдан чиққан ғумбак хўжайин ҳисобига яшаб, дастлаб унинг иккинчи даражали аъзолари, кейинчалик эса ўта муҳим аъзолари билан озиқланади. Табиийки, ғумбакнинг паразитлик фаолиятида онг ва ақлга ўрин йўқ, албатта, буларнинг ҳаммаси майлдан иборат холос.

Яна шундай жониворлар борки, улар ўзларига жарроҳлик хизматини кўрсатадилар. Улар ўзларининг баъзи бир аъзоларини узиб ташласалар-да бундан зиён кўрмайдилар. Уларнинг ҳаёти ўта хавф остида қолгандагина бундай энг сўнгги чорани қўллайдилар. Ёзнинг иссиқ кунларида чигирткани ушламоқчи бўлганингизда у бир оёғини ташлаб қочади, худди шунга ўхшаш ҳодисани калтакесакларда ҳам кузатиш мумкин. Калтакесакнинг узилиб қолган дум бўлаги турган жойида тўлғанавериб душманини чалғитиб қўяди: маълум вақт ўтгач калтакесакнинг думи яна ўсиб чиқади, лекин у олдингисидан калтароқ — тўмтоқроқ бўлади. Шуни айтиш керакки, аутотомия ҳодисаси содда тузилган жониворларда яққолроқ намоён бўлади, организм тизими мураккаблашгани сари йўқолган аъзоларнинг тикланиши қийинлашиб боради.

Аутотомия ҳодисаси яна бир қизиқ жониворда учрайди. Гап галатурий ёки денгиз бодринги ҳақида бораяпти. Улар денгиз тубида (10 минг метр чуқурликда) ўтроқ ҳаёт кечиради, улар денгизда яшовчи жонзотларнинг 90 фоизини ташкил этади. Энг йирикларининг бўйи 2 метргача боради. Бу жониворнинг ҳаёти хавф остида қолса, овқат ҳазм қилиш аъзоларини ташқарига чиқариб ташлайди. Ўта хавфли вазиятда эса бошқа аъзоларини ҳам чиқариб ташлайди. Қизиғи шундаки, бундай ҳолат ҳайвоннинг ўзига ҳеч қандай зиён келтирмайди, бироз вақт ўтгач йўқолган аъзоларини қайта тиклаб олади.

**Яҳё ДАВЛАТОВ,**
**биология фанлари доктори.**

## ИҚТИДОРЛИ ЧЕВАРЛАР ТАНЛОВИ

***Германиянинг «PFAFF SINGER» савдо уйи Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази билан ҳамкорликда «PFAFF SINGER Ўзбекистоннинг энг ёш иқтидор эгалари» танловини эълон қилди. У «PFAFF SINGER» концерни қурилмалари билан жиҳозланган 75 касб-ҳунар коллежи ва академик лицейи ўқувчилари ўртасида ўтказилмоқда.***

Танловда тикувчиликдаги ижодий эркинлик, ўзига хослик, халқимизнинг миллий анъаналарининг замонавий андозалар билан уйғунлашувини таъминлашга муҳим эътибор қаратилади.

Апрель ойида ниҳоясига етадиган танловда байрамона либослар, енгил ва устки кийимлар, манзарали зардўзлик санъати усталари ва бошқа номинациялар ўрин олган.

**Беҳбуд БОТИРОВ,**
**ЎзА**

Акмал Икромов туман ҳокимлиги ва туман «Маҳалла» жамғармаси Акмал Икромов маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ҳайдар Муҳаммадалиевга умр йўлдоши

**ҚАНОАТ ҲОЖИ онанинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Акмал Икромов туман ҳокимлиги ва туман «Маҳалла» жамғармаси «Оқ мачит» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Сайдулло Ибрагимовга волидаи муҳтарамаси

**МЕҲРИНИСА онанинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.




Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар: 133-28-95, 132-11-39.
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
5576 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-307.

1 3456